



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

379 Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, Кадрлаш тайёрлаш миллий дастурини ва мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш натижасида республикада халқаро стандартларга мос келадиган узлуксиз мажбурий умумий ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг 12 йиллик тизими вужудга келтирилди. 1536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, амалда барча умумтаълим мактаблари, таълим муассасалари қошидаги 1817 та спорт заллари намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди, мукамал реконструкция қилинди ҳамда замонавий ўқув-лабора-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

тория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва ўқув асбоб-анжомлари билан жиҳозланди.

Таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва муттасил янгилаб боришни таъминлаш, уларни тизимли асосда энг замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва асбоб-анжомлар билан қайта жиҳозлашни, шунингдек илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини тугатиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Жамғармага келиб тушаётган маблағларни кейинчалик улардан таълим муассасалари — умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) мақсадида фойдаланиш учун жамлаш;

таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шу жумладан, зарур ҳолларда ўқув корпусларини ўқув устахоналари ва лабораториялар билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончаларини ҳамда бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишларни молиялаштириш;

замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, тасдиқланган нормативлардан келиб чиқиб, таълим муассасаларини энг янги ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси ҳамда ахборот-коммуникация таълим технологияларининг бошқа элементлари билан, шунингдек ўқув мебелли ва асбоб-анжомлари билан тизимли қайта жиҳозлаш ҳамда тўлиқ жиҳозлашни молиялаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, тугатилаётган бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг барча актив ва пассивлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармага топширилади.

4. Қўйидагилар Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарманинг даромадларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Жамғармага қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ажратмаларни тўлашдан тушадиган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

ҳалқаро молия институтлари ҳамда бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари (қарзлари);

хайрия қилувчилар — юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5. Белгилансинки, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Қўйидагилар:

Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сонини 4 нафарга кўпайтирган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг марказий аппарати таркибида бошқарув ходимлари сони 7 нафардан иборат Жамғарма Ижроия дирекциясининг тузилмаси 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қўйидагилар:

ҳудудий молия бошқармаларининг тузилмасида молия органлари бўйича белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида 2 нафар ходимдан иборат Жамғарма маблағларини ҳисобга олиш, улардан фойдаланишни таҳлил ва мониторинг қилиш шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказий аппаратининг белгиланган ходимлар сони доирасида 3 нафар ходимдан иборат Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигининг операция бошқармаси тузилмасида 2 нафар ходимдан иборат ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича Ҳазначилик бошқармаларининг операция бўлимларида молия органлари учун белгиланган ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида 1 нафар ходимдан иборат шўъба;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тузилмаларида бошқарув ходимлари сони марказий аппаратларда 3 нафардан иборат бўлган таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш)нинг манзилли рўйхатларини шакллантириш ва мониторинг қилиш гуруҳлари ҳамда уларнинг ҳудудий бошқармаларида мазкур тузилмаларнинг белгиланган бошқарув ходимлари сони доирасида 2 нафардан иборат тегишли шўъбалар ташкил қилинсин.

* 1-илова берилмайди.

** 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг тузилмасига туман (шаҳар) молия бўлимларидаги тегишли лавозимларни қисқартириш ҳисобига таълим муассасалари биноларининг техник ҳолати, инфратузилмаси ва жиҳозланиши масалалари бўйича 1 нафардан мутахассис (муҳандис) лавозимини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг маблағларидан, айниқса, таълим муассасаларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва анжомлар билан тўлиқ жиҳозлаш бўйича аниқ мақсадни кўзлаб ва оқилона фойдаланиш устидан тизимли асосда доимий мониторинг олиб борсин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иштирокида ҳудудлар бўйича таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга оид таклифларни шакллантирадилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини тасдиқлаш учун белгиланган муддатдан уч ой олдин мана шу таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигига киритадилар;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига келиб тушадиган маблағлар доирасида Иқтисодиёт вазирлиги билан бирга-ликда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастурининг узил-кесил параметрларини шакллантирадилар ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси киритиладиган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этадилар;

Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш Дастури ҳар йили тасдиқланадиган Инвестиция дастурига мустақил бўлим сифатида киради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда икки ҳафта муддатда Жамғарма тўғрисидаги низомни ҳамда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини тайёрласин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қуйидагилар:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича буюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати зиммасига;

таълим муассасаларини жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш) бўйича буюртмачи вазифаси, берилган ваколатлар доирасида, Ўзбекистон Республикаси Халқ

таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази зиммасига юклансин.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни, таълим муассасаларининг барпо этилган моддий-техника базаси негизида замонавий таълим технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг ижобий тажрибасини кенг ёритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни, таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг ҳар йилги Дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Тартибини, шунингдек, таълим стандартларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мебель ва анжомлар билан жиҳозлашнинг янгиланган нормативларини тасдиқласин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 10 ноябрь,
ПҚ-1432-сон